

таълим тизимининг ташкил этилишидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилги “Таълим тўғрисида”ги ва “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши бу соҳадаги ишларни янада юқори поғонага кўтарди. Эндиликда ёшларимиз махсус жихозланган замонавий ўқув ишлаб чиқариш корхоналари ёки касб-хунар мактаблари ёки бевосита мактабларда икки-уч хунарни ўрганиш имкониятига эгадирлар.

Адабиётлар

1. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Тошкент: “Ўқитувчи”. 1994.
2. Хашимов К., Нишонов С., Иномова М. Педагогика тарихи. Ўқув қўлланма. -Тошкент: «Ўқитувчи». 1996. 488-б.
3. Хашимов К., Нишонов С. Педагогика тарихи. Дарслик. -Тошкент: Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриоти. 2005. 304-б.
4. Ғуломов К. Амалий санъат. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. -Тошкент: «ЎҚИСОД-МОЛЛИЯ». 2007. 96-б.
5. Шомирзаев М.Х. Мактаб технология таълимида миллий каштачиликни ўрганиш. Ўқув-услубий қўлланма. -Т.: “Tafakkur”, 2020. 58-б.

РЕЗЮМЕ

Маколада ўқувчиларни жисмоний томондан тўғри ривожлантириш, меҳнат олами ва кишилари, меҳнат қуроллари ва амаллари, асосий ишлаб чиқариш соҳалари ва касблар билан таништириш, иш қуролларидан фойдаланиш, оддий буюмларни ясашга оид меҳнат малакаларини ҳосил қилиш ва онгли равишда касб танлашга йўналтиришнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье подчеркивается образовательная и педагогическая важность развития физической подготовки студентов, знакомство их с миром и людьми труда, инструментами и методами, ключевыми отраслями и профессиями, использованием инструментов, развитием рабочих навыков в изготовлении простых предметов и осознанным выбором карьеры.

SUMMARY

The article emphasizes the educational and pedagogical importance of the development of physical preparation of students, their acquaintance with the world and people of labor, tools and methods, key industries and professions, the use of tools, the development of working skills in the manufacture of simple objects and a conscious choice of career.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВ – БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР

М.Е.Пазылова – педагогика фанлари номзоди, доцент
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: ўқув-билиш фаолияти, субъектив омиллар, қизиқувчанлик, қатъийлик, иродалик, мотивация, объектив омиллар: шарт-шароитлар, педагогнинг шахсияти, ўқитиш усуллари.

Ключевые слова: учебно-познавательная деятельность, субъективные факторы, любознательность, целеустремленность, сила воли, мотивация, объективные факторы: условия, личность учителя, методы обучения.

Key words: educational and cognitive activity, subjective factors: curiosity, purposefulness, willpower, motivation, objective factors: conditions, teacher's personality, teaching methods.

Бўлажак ўқитувчиларнинг мотивлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш ўқув-билиш жараёнида педагогиканинг ҳар бир бўлими бўйича ўқитиш шакллари, воситалари, усул ва методларини танлаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш имконини беради. Уларда машғулотларнинг мазмунига нисбатан қизиқиш уйғотади. Натижада бўлажак ўқитувчилар аждодлар томонидан яратилган педагогик қарашлар, таълимотлар, ёндашувларни ўзлаштирадilar, бунинг натижасида эса уларнинг ўқув-билиш фаолиятлари ривожланади. Улар ўзлаштирган педагогик билимларини истиқболдаги касбий фаолиятларида самарали қўллаш компетенциясига эга бўладilar.

Ўқув-билиш майлларига эга бўлиш, уларнинг такомиллашуви талабаларда касбий фаолият моҳиятини аниқ тасаввур қилиш ва билимларни тезкор ўзлаштириш ҳамда истиқболдаги касбий фаолиятида улардан фойдаланиш компетенциясини ҳосил қилади.

Шу тарика мутафаккир аждодларимиз томонидан яратилган педагогик таълимотлар бўлажак ўқитувчиларда касбий майлларни ҳосил қилиб, уларда ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш имконини беради. Мазкур ўқув-билиш ҳаракатлари эса бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятидаги сифат ва самарадорликни таъминлашга қўмаклашади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда тарихий тажрибалар билан бир қаторда инновацион методлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки улар ўзида халқнинг кўп асрлик тарихий тажрибасини мужассамлаштирган бўлади.

Хулоса қилиб айтганимизда ёш авлодни ҳалол меҳнат қилишга, турли касб-хунарларни эгаллашга ўргатиб бориш халқимизнинг бутун ижтимоий-тарихий тараққиёти жараёнида муқаддас анъанага айланган. Аҳли донишлар, назоратчи ва амалиётчи олимлар томонидан бу соҳада кенг қўламли тадқиқот ишлари олиб борилган ва олиб борилмоқда. Бу ишлар ҳозирги кунда республикаимизда касб-хунар таълими тизимини ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир.

Олий таълимни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси бўлажак мутахассисларни нафақат билимлар билан қуроллантириш, балки уларни ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш, тарихий тафаккурларни ривожлантириш, педагогик қадриятлар ёрдамида шахсий, касбий сифатларини шакллантиришни ҳам назарда тутди. Ўқув жараёни талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантирувчи жараён сифатида ташкил этилиб, унда бўлажак мутахассиснинг лойиҳалаштириш, бошқаришга оид компетенциялари шакллантирилади.

Биз талабаларнинг билиш фаолиятларини ривожлантириш масаласи кўплаб мутафаккир, файласуф ва педагог олимларнинг ишларида баён этилганлигини юқорида таъкидлаб ўтдик. Шахснинг билиш фаоллиги тарихий-маданий бойликлар, халқнинг кўп асрлик қадриятлари негизда ривожланиши мутахассислар томонидан асослаб берилган. Талабаларнинг ўқув фаоллиги уларнинг ўқув жараёнига бўлган муносабатида намоён бўлади. Шу билан бир қаторда ўқув-билиш фаоллиги ўқув жараёнининг муҳим натижаси ҳисобланади. Фаоллик натижасида таълим олувчиларнинг барча қирралари намоён бўлади. Бу эса янги ходисаларни ўрганишга бўлган қизиқишни ифодалайди. Талаба ўз ютуқларидан завқланиш, ўқув жараёнига алоҳида қизиқиш билан ёндашиш, касбий қоидалар ва ўрнатмаларни ўрганиш натижасида фаоллашади. Мазкур жараёнинг сифат кўрсаткичи сифатида бўлажак ўқитувчининг ўқув-билиш фаоллиги эҳтиёж даражасига кўтарилади. Бундай даражага интилиш алломалар ҳаётида асосий жиҳатни ташкил этган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг қизиқишлари муайян педагогик ҳодисаларни ўрганишга бўлган интилишнинг маҳсули ҳисобланади. Бунда талабанинг мустақил билим олиш ва ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган интилиши муҳим аҳамиятга эга. Бўлажак ўқитувчилар касбий фаолиятни ўрганиш жараёнида ўз мавқеларини ва ҳаётий фаолиятлари қўламини аниқлашга муваффақ бўладилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қизиқишлар фаолиятга интилиш натижасида вужудга келса, эҳтиёжлар мустақил фаолиятга кўрсатишга бўлган қизиқиш натижасида шаклланади.

Талабалар ўз фаолиятларида илк бор намоён бўладиган билимларни алоҳида қизиқиш билан ўрганадилар. Шу билан бир қаторда мазкур билимлар талабаларнинг тадрижий тарзда ривожланишини таъминлаб, уларда билиш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Шунга кўра талабанинг билиш фаолияти предмети ҳамда натижаси сифатида намоён бўлади.

Билиш фаолиятларини ривожлантиришнинг кўп қирралигини ҳисобга олган ҳолда унга хос бўлган иккита белгини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- Билиш фаоллигининг фаолият ифодаси сифатида намоён бўлиши;

- Билиш фаоллиги шахснинг ўзига хос жиҳати ва сифати тарзида намоён бўлади.

Билиш фаоллигини чуқур таҳлил қилган мутахассислардан бири Л.П.Аристова шахснинг билиш фаоллигини атроф-муҳит ва ундаги ҳодисаларга нисбатан яратувчилик муносабати сифатида баҳолайди. Бундай муносабатсиз талабаларнинг ҳаракатлари фаоллашмайди. Эҳтиёжлар эса фаолият жараёнида вужудга келади. Фаоллик уни қондириш жараёнида амалга ошади. Бу қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: эҳтиёж – фаолият – фаоллик.

Билиш фаоллиги тушунчаси доирасида шахснинг мақсадга йўналтирилган шаклланиш ва ривожланиш жараёни назарда тутилади. Бундай фаоллик турли-туман омиллар таъсирида ўзлаштирилади, мустаҳкамланади ва ривожланади. Бу омилларни субъектив ва объектив омилларга бўлиш мумкин. Субъектив омиллар сирасига қизиқувчанлик, қатъийлик, иродалик, мотивация қабиларни киритиш мумкин. Объектив омилларга эса инсоннинг ўзини ўраб турган шарт-шароитлар, педагогнинг шахсияти, ўқитиш усуллари ва методлари қиради.

Инсоннинг билиш фаоллиги 2 ҳолатнинг уйғунлашуви маҳсули ҳисобланади: табиий, бунда шахс ўз иқтидорининг ижодкори сифатида намоён бўлади. Маданий, таълим жараёнида шахснинг барча сифатлари мақсадга йўналтирилган тарзда ривожлантирилади. Шахснинг маданий ривожланишида мутафаккир аждодларимизнинг педагогик таълимотлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятлари мазкур таълимот ёрдамида муайян мақсадга эришиш йўлида ривожлантирилади. Шу билан бир қаторда билиш фаоллиги инсоннинг бутун ҳаёти давомида ривожланиб, унинг режалари фаолият йўналиши ўзгариши натижасида янгича траекторияга эга бўлади. Ушбу ривожланиш бўлажак ўқитувчиларни тарихий, маданий тажрибалар негизида инновацион фаолиятга ривожланиш имконини беради.

Биз талабалардаги ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг қуйидаги босқичларини ажратиш кўрсатишга ҳаракат қилдик:

- талабаларни муаммоли вазиятларга олиб кириш;
- талабаларни вазият билан таништириш, уни таҳлил қилиш ва муаммоли масалаларни қўйишга ўргатиш;
- муаммоли вазиятларга ечим топиш моделини яратиш ва уни асослаш;

- талабаларда мавжуд бўлган ижтимоий-маданий тажрибага таянган ҳолда ечимини кутаётган назарий муаммолар моделини яратиш;

- яратилган моделни амалиётга тадбиқ қилиш;
- муаммонинг ечимини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- амалий фаолиятларини англаш, рефлексиялаш.

Талабаларнинг билиш фаолиятларини ривожлантириш методлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Мультимедиа воситалардан фойдаланиш. Ушбу воситалар ўрганилаётган масалаларга нисбатан талабаларнинг ҳиссий муносабатларини шакллантириш имконини беради. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тафаккурини шакллантириш тусун қулай имконият яратади. Видеокейслар таълим жараёни иштирокчиларини реал ҳаётий воқелик билан таништириш орқали янги билимлар билан қуроллантириш имконини беради. Бундай кўникмалар уларнинг истикболдаги педагогик фаолиятлари учун зарур бўлиб, касбий ривожланишларини таъминлайди. Ўқитишнинг фаол методлари ёрдамида ўрганилаётган ўқув материалларининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда муаммоли вазиятларни визуаллаштириш ҳам бўлажак ўқитувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантиришга хизмат қилади. Педагогик жараён иштирокчиларининг аждодларимиз меросини ўзлаштиришга бўлган қизиқишларини орттиришга ушбу методлар алоҳида аҳамиятга эга. Видеокейсларнинг аниқлиги ва қисқалиги талабаларнинг муаммоли вазиятларни тушуниш, таҳлил қилиш рефлексиф фаолиятларини ривожлантириш имкониятларини беради. Натижада талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятлари ривожланишнинг янги босқичига кўтарилади. Бевосита ўқув жараёнида шакллантирилган амалий кўникмалар билимларни компетенцияларга айланишини жадаллаштиради. Бундай ёндашув талабаларнинг ўқув жараёнидаги мавқеини мустаҳкамлаб, машғулотларнинг қизиқарли, жонли бўлишини таъминлайди. Натижада бўлажак ўқитувчиларнинг ижодкорлик сифатларини намоён этишлари учун қулай муҳит яратилади.

2. Кейс методидан фойдаланиш. Ушбу метод ўқитишнинг интерфаол методи ҳисобланиб, ўқув материаллари сифатида маданий меросни талабаларга тақдим этишни оsonлаштиради. Ушбу жараён ижобий муносабатни шакллантириб, уларда ташаббускорлик сифатларини намоён қилиш имкониятини яратади. Бунинг натижасида бўлажак ўқитувчилар педагогика тарихига оид назарий билимлар ва амалий тажрибаларни оsonгина ўзлаштиришга муваффақ бўладилар. Шу билан бир қаторда ушбу методдан тарбиявий ишлар методикаси, дидактика, педагогик инноватика каби ўқув курсларини ўзлаштириш жараёнида ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Кейснинг муаммоли вазиятлардан фарқи шундаки, ундан фойдаланиш жараёнида талабаларга муаммолар очик тарзда тақдим этилмайди. Натижада талабалар ундаги ахборотларни қисмларга ажратишга муваффақ бўладилар.

Кейс технологиясидан фойдаланиш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- талабаларнинг кейс материаллари билан индивидуал, мустақил ишлашларини ташкил этиш;
- таянч муаммоларни киритиш ва унинг ечимлари устида кичик гуруҳларда ишлаш;
- умумий мунозаралар жараёнида кичик гуруҳлар эришган натижаларни муҳокама қилиш;

Кейс технологияси ёрдамида талабаларда қуйидаги кўникмалар ривожлантирилади:

- тахлилий кўникмалар – мавжуд ва мавжуд бўлмаган ахборотларни фарқлаш, уларни тахлил қилиш, излаш ва тақдим этиш;

- амалий кўникмалар – амалий ишлар жараёнида аждоқларимиз томонидан қўлланилган назариялар, методлар ва принциплардан фойдаланиш;

- ижодий кўникмалар – аждоқларимиз томонидан яратилган бадиий ва илмий асарлардан фойдаланган ҳолда ижодий фаолиятни амалга ошириш, импровизация қилиш, педагогик ёндашувларни мустақил баҳолаш;

- коммуникатив ҳамда ижтимоий кўникмалар – мунозаралар ташкил этиш, атрофдагиларни ишонтириш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, кичик ҳажмли, педагогик характердаги ижодий матнлар яратиш;

- ўз-ўзини тахлил қилиш – бошқалар ва ўзининг шахсий фикрини тахлил қилиш.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш мақсадида тақдим этилган методлар уларга қуйидаги имкониятларни беради:

- тақдим этилган ўқув материалларини фаол ўзлаштириш;

- шахсий рефлексияни ривожлантириш;

- аждоқларимиз мероси ёрдамида бағрикенгликни ривожлантириш;

- ўқув ҳамкорлигининг янги шакллари ўзлаштириш қабилар.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш имконини берадиган методларни мақсадга мувофиқ тарзда қўллаш ўқув фаолияти мотивлари ва талабанинг эҳтиёжларига сезиларли таъсир кўрсатади. Фаол тарздаги билиш фаолияти бўлажак ўқитувчиларнинг янги имкониятларини намоён этишга қўмаклашади. Уларда касбий компетентликнинг шаклланишига етарлича асос яратади.

Адабиётлар

1. Коджаспирова Г.М. История образования и педагогической мысли: Таблицы, схемы, опорные конспекты. Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. –М.: «ВЛАДОС» Пресс. 2003. –С. 224.

2. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар – соғлом авлодни тарбиялаш воситаси. -Т.: 1995.

3. Салаева М.С. Ўзбек педагогикаси тарихини даврлаштиришнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш. Пед.фан.докт.(DSc) диссертацияси. -Нукус: 2019. 288- б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада мутафаккир аждоқларимиз томонидан яратилган педагогик таълимотлар бўлажак ўқитувчиларда касбий майлларни ҳосил қилиб, уларда ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш имконини бериши, ўқув-билиш ҳаракатлари эса бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятидаги сифат ва самарадорликни таъминлашга қўмаклашиши ёритиб берилди.

РЕЗЮМЕ

В этой статье педагогические учения, созданные предками наших мыслителей, дадут будущим учителям возможность развивать свои профессиональные навыки и развивать свою учебно-познавательную деятельность, а учебное движение сможет обеспечить эффективную и профессиональную подготовку будущих учителей.

SUMMARY

In this article, the pedagogical teachings created by our thinker-ancestors will give future teachers the opportunity to develop their professional skills and develop their educational and cognitive activities, and the learning movement can provide effective and professional training for future teachers.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СПОРТ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТУРИЗМИ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

В.Ш.Рахимов – педагогика фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: туристик-спорт маҳсулот, опереттинг, туристик-спорт, спорт туризми, рекреацион мажмуа, туроператор.

Ключевые слова: туристико-спортивный продукт, опереттинг, туристико-спортивный, спортивный туризм, оздоровительный комплекс, туроператор.

Key words: tourist-sports product, operetting, tourist-sports, sports tourism, recreational complex, tour operator.

Ҳозирги вақтда туризмнинг оммавий ривожланиши даврларида бу иш билан туроператорлар деб аталувчи фирмалар ва мутахассислар шуғуллана бошлади. Туроператор дифференциалланган туристик маҳсулотларни ишлаб чиқаради, бунда у бу маҳсулотларни мижозларнинг эҳтиёжлари, талаблари, истаклари ва қизиқишлари билан мос ҳолда турли хил хизматлардан жамлаб ҳосил қилади.

Кўплаб туристик фирмаларнинг мавжуд иш тажрибасига қарамай, спортчиларни тайёрлашнинг ва тадбирларни ўтказишнинг ҳозирги замондаги шарт-шароитлари янги авлод мутахассислари – туристик-спорт опереттинги менежерларининг пайдо бўлишини белгилаб беради. Туристик-спорт ҳаракати оператори фаолиятининг бош йўналиши – бу мухлисларга, иштирокчиларнинг ўзларига, тадбирларга хизмат кўрсатадиган мутахассислар учун хизматларни тайёрлаш ва уларни амалга оширишдир.

“Туристик-спорт маҳсулот” деб номланадиган хизматларнинг потенциал манбалари бўлиб хизмат кўрсатиш инфратузилмаси хизматларининг мажмуаси ҳисобланади:

- спортнинг бир тури сифатида спорт туризми;

- турли хилдаги спорт-туризм саёҳатлари ва тадбирлари билан боғлиқ бўладиган хаваскорлик, соғломлаштириш туризми;

- спортчилар, спорт жамоалари ва улар мухлисларининг кўчиб юришлари билан боғлиқ бўладиган

билишга доир-таълимий туризм.

Туристик-спорт маҳсулотини шакллантириш хизмат кўрсатиш дастурларини ишлаб чиқиш ва хизматлар мажмуасини амалга оширишдан иборат бўладиган маълум бир ташкилий ишларни кўзда тутати.

Яқин ўтимда туризм, саёҳат индивидуал хусусиятларга эга эди, шунинг учун бундай тадбирлари режалаштириш саёҳатчининг ўзи томонидан ёки унинг топшириғи бўйича саёҳатлар бюроси томонидан амалга оширилар эди.

Оммавий туризм туристик хизматларни стандартлаштириш, уларни тизимлаштириш, олдиндан тайёрланган, режалаштирилган “хизматлар пакети”ни яратиш қабиларни шартлайди. Буларга транспорт хизматлари, меҳмонхоналар, ресторанлар, саёҳат дастурлари, маълум бир спорт мусобақаларини ва тадбирларини томоша қилиш, дам олиш-кўнгилочар корхоналар (шоу, кино, видеобизнес), спорт ва курорт ташкилотлари, яъни, зарурий хизматларни кўрсата оладиган барча ташкилот, муассаса ва корхоналар қиради.

Опереттинг – бу маълум бир якуний маҳсулот (конкрет тур)ни яратиш жараёнларини бошқаришдир. Туроператорлар ва туропереттинг тизимининг асосий вазифаси бўлиб нафақат туризм маҳсулотини шакллантириш, балки унинг амалга оширилиши, яъни, турли хил жараёнларнинг ягона тизимга келтирилишини кўзда тутати. Опереттинг қуйидагиларни назарда тутати: туристик